

**АЖДОДЛАРИМИЗ СИЙМОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ
ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Явкачева Мадинабону Бахтиёржоновна

Тошкент шаҳар юридик техникуми, талаба

madinayavkacheva@gmail.com

Аннотация: Мақолада оилада таълим-тарбия олиб, вояга етган фарзанднинг таълим–тарбияси билан шугулланадиган оналар сиймоси мужассамлаштирилган. Ўзбекистон – ниҳоятда қадимий ва бой тарихга эга давлат. Туркий хоқонлар, хоразмишоҳлар, сомонийлар, қорахонийлар, шайбонийлар ва бошқа султонлар ватанимиз замирида ҳукмронлик қилиб ўтдилар. Шу билан бирга Темурийлар ва уларнинг бўғини бўлмиш Бобурийлар даври тарихимизнинг шонли зарварақлари ёрқин намоён бўлаверади. Темурийлар даврида илм-фан, маданият, санъатнинг янада равнақ топишида маликаларнинг ўзига хос ўрни бор. Темурийлар даврида илм-фан маданият, санъатнинг янада равнақ топишида маликаларнинг ўзига хос ўрни бор. Улар Бибихоним, Гавҳаршодбегим асос солиб ривожлантирилган. Анъаналарга умр бўйи содиқ қолишга имкон қадар мамлакат, давлат фаровонлигига муносиб ҳисса қўишига интилишгани кўплаб тарихий асарларда акс этган. Темурий маликаларнинг ҳаёти ва фаолияти кўп жиҳатдан ёш авлодларга ибрат. Зеро, уларнинг, аввало, шахсий фазилатлари, эзгу хислатлари замондош хотин – қизларга намунадир. Даврнинг, тақдирнинг гоёат мураккаб, оғир синовлардан зўр матонат, ирода билан ўта олиш, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам оқиллик, зукколик, тиришқоқлик сингари фазилатларни йўқотмаслик, эзгулик, муҳаббат, инсонийлик принципларида садоқат темурий маликаларнинг ўзига хос ёрқин жиҳатлари фарзанд тарбиясида алоҳида ўрин тутиши ёритилган.

Калит сўзлар: давлат, таълим-тарбия, миллат, шахс, малика, эзгулик,

она, инсонийлик, муҳаббат.

Аннотация: *в статье воплощена моча матери, которая занимается образованием и воспитанием взрослого ребенка в семье. Узбекистан - государство с чрезвычайно древней и богатой историей. На нашей родине, в Замири, правили тюркские каганы, хорезмшахи, Соманиды, Караханиды, Шайбаниды и другие султаны. В то же время ярко проявляются славные жемчужины нашей истории - Тимуридов и их ответвления, бабурийцев. В эпоху Тимуридов царицы занимали особое место в дальнейшем процветании науки, культуры, искусства. В эпоху Тимуридов наука занимала особое место для принцесс в дальнейшем процветании культуры, искусства. Они были разработаны на основе бибихонимов, Гавхаршодбегим. Стремление внести достойный вклад в благосостояние страны, государства, как можно дольше сохранять верность традициям на протяжении всей жизни отражено во многих исторических трудах. Жизнь и творчество принцесс Темура во многом являются уроком для подрастающего поколения. Ведь их, прежде всего, личные качества, хорошие качества являются примером для современных женщин. Очевидно, что из чрезвычайно сложных, тягостных испытаний эпохи, судьбы, суметь пройти усилием воли, не растерять такие качества, как благоразумие, изобретательность, трудолюбие, верность принципам добра, любви, человечности, присущие тимуровским принцессам светлые стороны занимают особое место в воспитание детей даже в любых сложных условиях.*

Ключевые слова: *государство, образование, национальность, личность, королева, доброта, мать, человечность, любовь.*

Abstract: *the article embodies the urine of a mother who is engaged in education and upbringing of an adult child in the family. Uzbekistan is a state with an extremely ancient and rich history. In our homeland, in Zamiri, Turkic kagans, Khorezmshahs, Somanids, Karakhanids, Shaybanids and other sultans ruled. At the same time, the glorious pearls of our history, the Timurids and their offshoot, the Baburians, are vividly manifested. In the Timurid era, the queens*

occupied a special place in the further prosperity of science, culture, and art. In the era of the Timurids, science occupied a special place for princesses in the further prosperity of science, culture, art. They were developed on the basis of bibichonyms, Gavkharshodbegim. The desire to make a worthy contribution to the welfare of the country, the state, as long as possible to remain faithful to traditions throughout life is reflected in many historical works. The life and work of the Temur princesses are in many ways a lesson for the younger generation. After all, their, first of all, personal qualities, good qualities are an example for modern women. It is obvious that out of extremely difficult, harsh trials of the era, fate, to be able to pass by an effort of will, not to lose such qualities as prudence, ingenuity, diligence, loyalty to the principles of goodness, love, humanity, inherent in the Timur princesses light sides take a special place in the education of children even in any difficult conditions.

Keywords: state, education, nationality, personality, queen, kindness, mother, humanity, love.

Кириш

Ўзбекистон – ниҳоятда қадимий ва бой тарихга эга давлат. Туркий хоқонлар, хоразмшоҳлар, қорахонийлар, шайбонийлар ва бошқа сулолалар ватанимиз заминида ҳукмронлик қилишган. Шу билан бирга, темурийлар даври тарихимизнинг шонли зарварақлари сифатида янада ёрқин намоён бўлаверади.

Ҳижрий VIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғуллар тарқалиб кетишди. Улардан ҳар бир раҳбар ўзининг минтақасини мустақил қилиб олди ва орадаги ўзаро урушлар, низолар кучайиб кетди. Худди мана шу даврда Амир Темур пайдо бўлди ва унинг учун қулай шароит вужудга келди.

Мусулмон Африкасидаги сингари Ҳиндистон минтақасини ҳам кичик подшоҳликлар ўзаро бўлишиб олган бўлиб, мусулмон дунёси буюк бир

шахсга эҳтиёж сезаётган эди. Худди ана шундай зот Самарқандда пайдо бўлди. Бу Барлос уруғидан чиққан Темур эди.

Адабиётлар таҳлили

Амир Темур тўғрисида унинг замондошлари қимматли йирик асарлар яратганлар. Ғиёсиддин Алининг “Рўзномайи ғазовоти Ҳиндустон”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Алининг “Зафарнома”, асарлари шулар жумласидандир. “Тузуқоти Темурий” асари булар орасида алоҳида ўрин тутди.

“Тузуқоти Темурий”нинг ўзбекча ва рус тилларига қилинган таржималари хусусида фикр билдирмоқчимиз. Ўзбек тилига у 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан қисқартириб таржима қилинган. Асарнинг Мир Абу Толиб Ҳусайний матнига мувофиқ ўзбекчага тўлиқ таржимаси марҳум Алихон Тўра Соғуний томонидан 1967 йилда Тошкентда амалга оширилган.

Бундан ташқари Бобур томонидан ёзиб қолдирилган “Бобурнома” асарини дунё олимлари яқдиллик билан қомусий асар сифатида баҳолашган ва темурийлар Уйғониш даври ва Бобур мавзусини ёритиш бўйича мукамал манба, деб билишган.

Муҳокама ва натижалар

Асарда марказлашган давлат асосчиси, буюк саркарда, илм-фан, адабиёт, санъат, маданият ҳомийси, темурийлар Уйғониш даври асосчиси Соҳибқирон Амир Темур номи, ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ ўттиздан зиёд тасвир, лавҳа, изоҳларнинг келтирилиши ҳам ниҳоятда эътиборли. Булардан кўринадики, Бобур бобокалони билан фахрлангани, темурийларнинг тарихини яхши ўргангани, кўрган – билганларини ёрқин ва таъсирли ҳолда ифодалангани, улуғ аждодидек адолатли ҳукмдор бўлишга бел боғлагани яққол сезилади.

Темур буюк шахс эди. Ҳеч қачон жангда мағлуб бўлмаган, фавқулодда жасурлиги билан донг таратган Амир Темурнинг улуғ зот, истеъдодли лашкарбоши бўлганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу буюк давлат

арбоби, ўта талабчан раҳбар Ислом шарафини ҳамма нарсадан устун қўяр, бу йўлда жонини ҳам аямас эди.

Салтанати поёнсиз: тасарруфидаги ҳудуднинг бир учидан иккинчи учига бориш учун сайёҳ бир йил юриши лозим бўлади. Мана шу масофаларда тўлиқ хавфсизлик таъминланган. Оддий йўловчилардан тортиб савдо қарвонларигача шу йўллар бўйлаб эркин ҳаракат қилишади. Мабодо бирор бир ҳудудда қароқчилар босқини ёки талончилик содир бўлса, Амир Темури биринчи галда ўша ҳудуднинг маҳаллий ҳукмдорини қатл эттиради. Чунки Амир Темурнинг фикрича, токи маҳаллий ҳукмдор қароқчилар билан тил бириктирмаса, вазифасини виждонан, ҳалол адо этса – ҳеч қандай тўда катта йўлларда қароқчилик қилишга журъат этмайди.

Темури араб, форс ва турк тилларида эркин сўзлашади. У калом илмида ва ислом ҳуқуқшунослигида шу қадар беқиёс билимга эгаки, бирор - бир мусулмон уламози илмий баҳс ва мунозарада уни енга олмаган. У олимларни, шоирларни бағоят қадрлайди. Уларга ҳурмат кўрсатади. Бунинг сабаби унинг ўзи ҳам олим эканидандир.

Амир Темурнинг юксакликка эришишида волидалари Тегина Моҳбегимнинг ўрни беқиёсдир. Фосих Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий” асарида қайд этилишича, Тегина Моҳбегим Бухорои шарифда таваллуд топган. Тегина Моҳбегим тақводор қиз сифатида ўсиб- улғайган хонадон Бухородаги ислом уламолари сулоласига мансуб эди.

Шундай нуфузли оилада таълим-тарбия олиб, вояга етган Тегина Моҳбегим фарзандининг таълим – тарбияси билан шуғулланади.

Темурийлар даврида илм-фан, маданият, санъатнинг янада раванқ топишида маликаларнинг ўзига хос ўрни бор. Темурий маликаларнинг ҳаёти ва фаолияти кўп жиҳатдан ёш авлодларга ибрат. Зеро, уларнинг, аввало, шахсий фазилатлари, эзгу хислатлари замондош хотин – қизларга намунадир. Даврнинг, тақдирнинг ғоят мураккаб, оғир синовлардан зўр матонат, ирода билан ўта олиш, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам оқиллик, зукколик, тиришқоқлик сингари фазилатларни йўқотмаслик, эзгулик,

муҳаббат, инсонийлик принципларида садоқат темурий маликаларнинг ўзига хос ёрқин жиҳатларидир. Албатта, бу борада оилапарварлик, фарзандлар таълим-тарбияси учун масъулият, ҳар томонлама зукко, тадбирли бўлиш ҳам алоҳида ўрин тутди.

Хулоса: Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир жамият тараққиётининг юқори чўққиларини забт этиши учун, албатта, ёш авлод барча соҳаларда билимга эга бўлиши лозим. Ёшларни юксак маънавият ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш барчамизнинг вазифамиздир. Жамиятнинг энг кичик бўғини бу оиладир. Ёш авлод маънавиятининг биринчи босқичини оиладан, ота-онадан олади. Оилада фарзандга ота-она масъулдир. Ота- она фарзандининг соғлиғи, кийими, хулқу- одоби, маънавиятига эътибор бериб, уни назорат қилиши лозим. Чунки ота- она фарзандини тарбиялаб, эл- юртини гуллайтиб яшнатадиган ёки эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли арзимаган маблағга орини, имонини сотадиган кимсани жамиятга тухфа қилади. Бунинг олдини олиш учун ота-оналар ҳам китобхонлик масаласига эътибор беришлари лозим.

Илм бор ерда китоб кўпаяди. Китоб бор ерда илм ривожланади. Ҳозиргача ҳар бир жамиятдаги китоблар ва уларга бўлган муносабат ўша жамият аъзоларининг илмга бўлган муносабатининг ўлчови бўлиб келган. Мелодий тўққизинчи асрдан бошлаб, мусулмонларда ҳақиқий бойлик деганда китоб тушунилган. Бировга энг қимматбаҳо ҳадя қилишни хоҳлаган одам китоб олиб борган. Бағдод халифаси халққа арзигулик бирор ҳадя қилиш ҳақида ўз вазирларига маслаҳат солганида ҳаммалари бир овоздан яхши бир кутубхона ҳадя қилишга ишора этганлар. Бу кутубхона мусулмонлар оммасига ҳадя этилгач, “Дорул-ҳикма” номини олган ва кейинчалик дунёдаги биринчи фанлар академиясига айланган. Мусулмонларнинг илмга бўлган рағбатлари, китобга бўлган қизиқишлари иймон ва ихлос асосида бўлгани учун у тезда ўз самарасини берди. Улар бутун инсониятга турли илмларни тартибга солиб тақдим

этдилар. Жадал ривожланиб бораётган жамият ва давр билан ҳамнафас илдам одимлаб боришда китобхонлик масаласи ўз ўрнига эгадир Ёшларимиз тарбияси – бу бир кишининг иши эмас. Агар ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилсак, фарзандларимиз Ватан ва эл – юрт ривожига ҳисса қўшадиган, мустақил қарор чиқарадиган инсонлар бўлиб улғаядилар. Яхши тарбия инсонга маънавият каби она сути, ота намунаси ва аجدодлар ўғити билан бирга сингади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи.-Т.: Ҳилол, 2018 й.
2. Аҳмедов Бўрибой Тарихдан сабоқлар.-Т.:” Ўқитувчи”, 1994 й.
3. “ Маърифат ”газетаси. 2019 й.
4. Алимов Усмонхон. Оилада фарзанд тарбияси.-Тошкент: ” Мовароуннаҳр” 2017 й.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ.

ВКЛАД НАРОДА УЗБЕКИСТАНА ВО ВТОРУЮ МИРОВУЮ ВОЙНУ.

THE CONTRIBUTION OF THE PEOPLE OF UZBEKISTAN TO THE SECOND WORLD WAR.

Атабаева Нигора Махмуджановна

Андижон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

email: nigora.atabayeva.74@mail.ru